

Rating Assessment System of Socio-Economic Development of Regions

Khamraeva Sayyora Nasimovna¹

Yuldashev Ikhtiyor Doniyor oglu²

Kamolov Sukhrob Saidjonovich³

Аннотация.

Мақолада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда рейтинг баҳолаш тизимининг аҳамияти асослаб берилган. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими республика миқёсида ёки ҳудудлар кесимида иқтисодий-ижтимоий соҳаларга доир қарорлар қабул қилишда, айти ҳудудлардаги тизимли муаммоларни аниқлашда, ҳудудларнинг реал иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини таҳлил қилишда, шунингдек, маҳаллий ижро органлари раҳбарларининг фаолиятларини самарадорлигини ҳолисона баҳолашда ўзига хос методология ҳисобланади.

Калит сўзлар. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, баҳолаш тизими, рейтинг, иқтисодий салоҳият.



¹Head of the Department of Innovative Economics, Ph.D. Karshi Engineering And Economic Institute

^{2,3}Masters of Karshi Engineering And Economic Institute

Кириш. Ҳозирги ривожланаётган даврда ва чуқур ислохотлар фонида республикамиз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини атрофлича таҳлил қилиш муҳим ва оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилишда ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Бу борада, республикамиз ҳудудларини барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, табиий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, ҳудудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майда ПҚ-4702-сон “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори¹ га мувофиқ статистик кўрсаткичлар ва сўровномалар натижалари асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими жорий этилди. Бу эса, ўз навбатида республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш борасидаги муаммоларнинг амалий ечими бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда қайд этишимиз жоизки, бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истиқболга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиққан ҳолда уларга тезкорлик билан ва лозим даражада жавоб қайтаришнинг ягона мувофиқлаштирилган механизми мавжуд эмас эди.

Адабиётлар шарҳи. Минтақавий сиёсат муаммолари доимо илмий жамоатчилик эътиборининг марказида бўлиб келган ва ҳозирги пайтда ўз долзарблигини сақлаб қолган. Замонавий муаллифлар таъкидлаганидек, "тараққиётни макроиқтисодий даражада бошқариш мураккаб ва ҳар доим ҳам самарали жараён эмас" [1].

Минтақа фанининг асосчиларидан немис олимлари И. Тюнен ва А. Вебер, швед олими Г. Мордал, америкалик олим В. Исард, инглиз П. Исард ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш керак [2]. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганишда рус олимлари П. Алампиев, Н. Баранский ва Н. Колосовский ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Ҳозирги даврда (С.А.Суспитсин, В.С. Смирнов, Э.Н.Дертишникова, А.Н. Гирина ва бошқаларнинг асарлари.) [4-8].

Ўзбекистонлик олимлар Д.А.Каримов, Ж.Тошқулов, Қ.Умидуллаевлар ҳудудларни ижтимоий иқтисодий ривожланишини баҳолашнинг методика ва мезонлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишган [9-10].

Таҳлил ва натижалар. Ҳудудлар иқтисодиёти билан боғлиқ илмий-назарий тадқиқот ва олимларнинг фикр-мулоҳазаларини чуқур ўрганган ҳолда, ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилишда рейтинг баҳолаш тизимининг аҳамияти хусусида атрофлича хулосаларни шакллантиришга эришилган ва мамлакатимиз ҳудудларига ушбу тизимни жорий қилиш масалаларига оид таклифлар илгари сурилган.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими эндиликда республика миқёсида ёки алоҳида олинган ҳудудлар кесимида иқтисодий-ижтимоий соҳаларга доир қарорлар қабул қилишда, айти ҳудудлардаги тизимли муаммоларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майда ПҚ-4702-сон “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори.

аниқлашда, ҳудудларнинг реал иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли турмуш даражаси ва даромадларини таҳлил қилишда, шунингдек, энг муҳими жойлардаги маҳаллий ижро органлари раҳбарларининг фаолиятларини доимий кузатиб бориш асосида масъулиятини ошириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ҳолисона баҳолашда ўзига хос методология ҳисобланади.

Рейтинг баҳолашни жорий этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

- барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлиги;
- янги иш ўринлари яратиш, ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминлаш;
- ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш;
- аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончилигини таъминлаш;
- ҳудудларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, уларнинг иқтисодиётини янада диверсификация қилиш;
- ишбилармонлик муҳити сифатини яхшилаш, тадбиркорликни доимий қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш;
- ҳудудларнинг молиявий мустақиллигига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантириш;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиқлигини ошириш.



1-расм. Республика ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳолаш кўрсаткичлари босқичлари²

²Каримов Д.А. “Республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилишда рейтинг баҳолаш тизимининг моҳияти ва афзалликлари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябр-октябр, 2020 йил

Рейтинг баҳолаш кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳисоблаб чиқилади. Баҳолаш кўрсаткичларини шакллантириш икки босқичдан иборат (1-расм).

Биринчи босқичда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини баҳолаш учун статистик кўрсаткичлар асосида баҳоланадиган 8 та устувор йўналиш ва иккинчи босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол тасдиқланган методология асосида қуйидагиларни аниқлаш мақсадида алоҳида сўровлар ўтказиш орқали 3 та устувор йўналиш доирасида баҳолаш амалга оширилади.

Ҳудуд учун биринчи босқич бўйича жами баллар устувор йўналишларнинг статистик кўрсаткичлари балларини жамлаш йўли билан ҳисобланади. Якуний балл эса статистик кўрсаткичлар бўйича жами баллар ва ўтказилган сўров натижалари бўйича тўпланган балларни қўшиш орқали аниқланади.

Аҳамиятлиси шундаки, мазкур рейтинг тизими асосида йилда 2019 йил якунлари бўйича ҳисобот кўрсаткичлари синов тариқасида таҳлил қилинди³. Шунга мувофиқ, биринчи марта туман ва шаҳарлардаги иқтисодий кўрсаткичлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш муҳити, инфратузилма ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражаси ўрганилди. Таҳлиллар асосида улардаги тадбиркорлик ривож ҳолати “яхши”, “ўрта” ва “қониқарсиз” ҳудудларга ажратилди. Хусусан, 48 та туман ва шаҳардаги ҳолат “яхши”, 119 тасида “ўрта” ҳамда 33 тасида “қониқарсиз” деб топилган⁴. Қиёсий таҳлилларни самарали амалга ошириш мақсадида, рейтинг натижалари бўйича республиканинг барча туман ва шаҳарларини “яшил”, “сарик” ва “қизил” ҳудудларга ажратиб олинган. “Яшил” ҳудуд бу амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётган ҳудудлар бўлса, “сарик” ҳудудлар ислохотлар бошланган, лекин ҳали ўз натижаларини кўрсатмаётган ҳудудлардир, “қизил” ҳудуд эса бу мавжуд табиий бойликлар, ер, сув ва инсон ресурсларидан, энг асосийси, қабул қилинаётган қарорларимиз билан яратиб берилаётган имкониятлардан фойдалана олмаётган ҳудудлар ҳисобланади.

“Яшил” ҳудудга кирган туманлар бўйича айрим мисолларни кўриб чиқадиган бўлсак, Қашқадарё вилояти Қамаши туманининг ушбу тоифага киритилиши асосан тадбиркорлик субъектларининг фаоллиги, янги тадбиркорлик субъектларининг ўсиши, кичик бизнесда янги иш ўринларини яратиш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибдорлик каби кўрсаткичларнинг нисбатан юқорилиги эвазига эришилди.

Хусусан, охириги 3 йилда 802 та янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилган, 132 та фаолият кўрсатмаётган корхоналар қайта йўлга қўйилиб, улардаги 264 нафар иш ўринлари тикланган⁵. Шунингдек, туманда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилнинг олти ойига нисбатан экспорт ҳажми 3,7 мартага ошиб, 2,3 млн. долларни ташкил этган.

Яна бир мисол, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида жами 2019-2020

³Каримов Д.А. “Республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилишда рейтинг баҳолаш тизимининг моҳияти ва афзалликлари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябр-октябр, 2020 йил

⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 7 май куни ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор материаллари.

⁵ www.stat.uz

йилларда 28 та янги саноат корхоналарнинг ишга туширилиши йилига қўшимча 19 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини яратган. Хусусан 10 минг тонна мева-сабзавот етиштириш, 5 минг тонна қайта ишлаш ва 2,7 минг тонна сақлаш қувватига эга “Хўжайли агросаноат маркази” МЧЖ корхонасининг ишга туширилиши натижасида 100 нафарга яқин доимий иш ўринлари яратилган.

Ўтказилган таҳлиллар ва рейтинг баҳолаш натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Андижон вилоятининг Балиқчи, Қашқадарё вилоятининг Касби, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон, Хоразм вилоятининг Шовот ва Тошкент шаҳрининг Учтепа туманлари рейтинг натижалари бўйича “қизил” ҳудудга кирганлиги маълум бўлди.

Рейтинг баҳолашни амалга ошириш жараёнида туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолатини бир нечта мезонлар кесимида қиёсий таҳлиллар ўтказилди. Хусусан, иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик кўрсаткичлари, меҳнат бозорининг самарадорлиги, ҳудудий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва диверсификацияси кўрсаткичлари, ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорликни ривожлантириш сифат кўрсаткичлари, маҳаллий солиқларнинг йиғувчанлик кўрсаткичлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очиклиги кўрсаткичлари доирасида комплекс таҳлиллар амалга оширилди.

Хулоса. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, республика ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилишда рейтинг баҳолаш тизимининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- замонавий рақамли технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда рейтинг баҳолаш тизимида кўрсаткичларни автоматлаштирилган тарзда умумлаштириш ва инсон омили таъсирини максимал даражада чеклашни назарда тутиш орқали рейтинг баҳолаш ахборот тизимини такомиллаштириш;
- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати юзасидан сўровномалар ўтказиш;
- иқтисодий муаммо ечимига қаратилган чуқур илмий изланишлар олиб борилишини таъминлаш;
- рейтинг баҳолаш натижалари бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришган туман (шаҳар)ларнинг тажрибасини бошқа ҳудудларга тарғиб қилиш юзасидан ҳудудлараро мулоқот майдонини яратиш ва тажриба алмашинув тартибини йўлга қўйиш;
- рейтинг баҳолаш ишларини амалга оширишда тегишли муаммоларни республика, вилоят ва туман кесимида тоифалаштирган ҳолда, тизимли равишда ҳал қилиш чораларини кўриш;
- “яшил” тоифага мансуб бўлган ҳудудлар раҳбарларини рағбатлантириш “сарик” тоифага мансуб раҳбарларнинг маошларига жарималар қўллаш, шунингдек, мунтазам равишда “қизил” тоифага мансуб ҳудудлар раҳбарларининг фаолиятини маҳаллий вакиллик кенгашларида танқидий кўриб чиқиш амалиётини жорий қилиш;
- ҳудудларда аҳолининг ўсиш суръатлари ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олиб, янги ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майда ПҚ-4702-сон “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 7 май куни худудлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор материаллари.
4. Achelashvili, M. & Achelashvili, K. (2007). Regional management of economic growth. *The Caucasus & Globalization*, 5(1), 54–65. Retrieved from: <http://cyberleninka.ru/article/n/regional-management-of-economic-growth> (date of access: 15.06.2016).
5. Smirnov, V. S. (2007). Metodika otsenki effektivnosti sotsialno-ekonomicheskogo razvitiya regiona [Methods of efficiency estimation of social and economic development of a region]. *Izvestiya vysshikh uchebnykh zavedeniy. Povolzhskiy region. Obshchestvennye nauki [University proceedings. Volga region. Social sciences]*, 2, 25–34. (In Russ.)
6. Dertishnikova, E. N. (2011). Kompleksnaya otsenka sotsialno-ekonomicheskogo sostoyaniya regiona [Complex assessment of a social and economic condition of the region]. *Problemy razvitiya territorii [Problems of territories' development]*, 1(53), 25–35. (In Russ.)
7. Girina, A. N. (2013). Metodika otsenki sotsialno-ekonomicheskogo razvitiya regiona [Assessment methodology for socio-economic development of the region]. *Vestnik Orenburgskogo gosudarstvennogo universiteta [Vestnik of Orenburg State University]*, 8(157), 82–87. (In Russ.)
8. Кислицына В. В. и др. Формирование комплексного подхода к оценке социально-экономического развития регионов // Экономика региона. – 2017. – Т. 13. – №. 2.
9. Каримов Д.А. “Республика худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилишда рейтинг баҳолаш тизимининг моҳияти ва афзалликлари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябр-октябр, 2020 йил
10. Тошқулов ж., Умидуллаев Қ. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолашнинг муҳим жиҳатлари//Юрист ахборотномаси. – 2020. – т. 1. – №. 2. – с. 141-148.
11. Хамраева С.Н. Состояние инвестиционно-инновационного развития сельского хозяйства в Узбекистане //Economics. – 2020. – №. 1 (44).
12. Хамраева С. Н. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ //Irrigation and Melioration. – 2017. – Т. 2017. – №. 4. – С. 56-60.
13. Хамраева С.Н. ФОРМИРОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ СТРУКТУР В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ УЗБЕКИСТАНА. – 2016.
14. КНАМРАЕВА S. N., АЛИМОВА М. У. Methodological bases for assessing the level of innovative development of agriculture and its service infrastructure activities //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 4062-4068.